



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ КРЕДИТ РИСКИНИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бобур Тугалов

Тошкент кимё халқаро университетининг тадқиқотчиси

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 24.02.2024

Қабул қилинган вақти: 01.04.2024

Таянч сўз ва иборалар:

тижорат банки, кредит, кредит
риски, даромад, захира, фойиз
ставкаси, инфляция, девальвация.

Аннотация

Кредит риси тижорат банклари фаолиятидаги молиявий
рискларнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Кредитлар
тижорат банклари активларининг таркибида нисбатан юқори
салмоқни эгаллаганлиги сабабли кредит риси даражасининг
ошиши банкларнинг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигига
кучли салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, тижорат банкларининг
риск-менежмент тизимида кредит рисини баҳолаш ва бошқариш
амалиётини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.
Мақолада тижорат банклари фаолиятидаги кредит рисини баҳолаш
амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар
ишлаб чиқилган. Жумладан, кредитларнинг даромаддрилиги ва риск
даражалари ўртасидаги алоқадорликни аниқроқ баҳолаш имконини
берадиган кўрсаткичлар мажмуи таклиф этилган.

IMPROVING THE PRACTICE OF CREDIT RISK ASSESSMENT IN THE ACTIVITIES OF COMMERCIAL BANKS

Bobur Tugalov

Applicant at Tashkent Kimyo International University

ARTICLE INFO

Received: 24.02.2024

Accepted: 01.04.2024

Key words: commercial bank, loan,
credit risk, income, reserve, interest
rate, inflation, devaluation.

Abstract

Credit risk is one of the main types of financial risks in the activities of commercial banks. An increase in the level of credit risk has a strong negative impact on the liquidity and financial stability of commercial banks, since loans occupy a relatively large share in the structure of assets. Therefore, in the risk management system of commercial banks, special attention is paid to improving the practice of assessing and managing credit risk.

The article develops scientific proposals aimed at improving the practice of assessing credit risk in the activities of commercial banks. In particular, a list of indicators characterizing the relationship between profitability and the degree of risk of loans is proposed.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси банк тизimini ислоҳ
қилишнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган

стратегиясида (ПФ-5992) кедитлашни фақат бозор
шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг
давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш,
кредит портфели ва рискларни бошқариш сифатини

яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. Банкларнинг кредитлаш амалиётини такомиллаштиришнинг марказий масаласи бўлиб, кредит рискин баҳолаш ва бошқариш масаласи ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи

Ю.Бабичева (Бабичева, 2014) кредит рискига қуйидагича таъриф беради: “кредит риси – бу кредитор учун кредит олувчи томонидан қарзни ва у бўйича фоизларни тўламаслик рискидир”

К.Митрофанова (Митрофанова, 2015) кредит рискин кредит билан боғлиқ бўлган вазият сифатида талқин қилади.

А.Миан ва А.Сафининг (Миан, Сафи, 2013) хулосасига кўра, банклар томонидан уй хўжаликларига берилган кредитларни ўз вақтида қайтмаслик эҳтимолининг юқори эканлиги уларнинг ўз рискларини назорат қилиш имкониятларини фирмаларниқига қараганда сезиларли даражада чекланганлиги билан изоҳланади.

АҚШнинг Жоржия университети профессори. Ж.Синкиннинг (Синки, 2017) хулосасига кўра, тижорат банкларининг фаолиятидаги кредит рискин баҳолаш ва бошқаришда кредит олувчи мижознинг пул оқимини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади ва мазкур таҳлил қуйидаги долзарб саволларга жавоб топиш имконини бериши керак:

- мижознинг соф фойдаси унинг узоқ муддатли қарзларининг жорий қисмини тўлаш учун етарлими?
- компания айнан қанча миқдорда пул маблағлари олади?
- компания ўз операцияларини қандай молиялаштиради?
- компаниянинг жорий ҳолатини раҳбариятнинг қайси ҳатти-ҳаракатлари ёки қайси ташқи таъсирлар белгилайди.

И.Альтман (Альтман, 1968) кредит риси даражасини кредит олувчининг дефолт риси даражаси билан ўлчашни таклиф қилади ва уларнинг дефолт рисини бешта кўрсаткич асосида аниқлашни таклиф қилади: айланма маблағларнинг активларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи; активларнинг рентабеллиги; τ солиқ тўлангунга қадар бўлган фойданинг активларга нисбати; капиталнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати; тушумнинг активлар суммасига нисбати.

Ш.Ибодуллаевнинг (Ибодуллаев, 2023) хулосасига кўра, хорижлик иқтисодчи олимларнинг тижорат банки раҳбариятининг давлат томонидан қутқариш бўйича бериладиган кафолатга ишониши ўта юқори даражадаги рискларни қабул қилинишига олиб келиши хусусидаги хулосаси Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади. У хулосасига далил сифатида Халқ банкни келтиради: 2018-2019 йилларда Халқ банкнинг устав капитали 1,245 трлн. сўмга, шундан республика бюджети

маблағлари ҳисобидан 645 млрд. сўм ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан эквиваленти 75 миллион АҚШ доллари, жумладан 2018 йилда тегишинча 250 миллиард сўм ва эквиваленти 30 млн. АҚШ доллари миқдорида оширилди.

2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари бўйича муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши 5,2 фоизни ташкил қилгани ҳолда, Халқ банкида ушбу кўрсаткич 19,7 фоизни ташкил этди.

И.Алимардонов (Алимардонов, 2018) томонидан амалга оширилган диссертацион тадқиқот натижалари кўрсатдики, юқори ликвидли гаров объектларини кичик бизнес субъектларининг кўпчилигида мавжуд эмаслиги, тижорат банклари томонидан хорижий банкларнинг кредит линиялари ҳисобидан берилаётган кредитларнинг фоиз ставкаларини юқори эканлиги республикаимиз тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётидаги кредит риси даражасини юқори бўлишига сабаб бўлмоқда.

М.Бауетдинов (Бауетдинов, 2018) томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари кўрсатдики, республикаимиз банкларининг инвестицияларни кредитлаш амалиётидаги кредит риси даражасининг юқори эканлиги берилган инвестицион кредитларни қуйидаги сабабларга кўра қайтмаганлиги билан изоҳланади:

- инвестиция лойиҳаларини муддатида ишга туширилмаганлиги;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотларини экспорт қилинмаганлиги;
- корхоналар хориждан келтирилагидан хом-ашёларга ўта боғлиқлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талаб йўқлиги («Каолин», «Янтак-Брит» қўшма корхоналари), «Оҳангаронстройпласт» ХЖ);
- корхоналарнинг лойиҳада белгиланган қувватда ишламаслиги («Пап Фен» қўшма корхонаси 80% қувватда, «Аснам-текстил» қўшма корхонаси 60%, «Косонсой-Текмен» қўшма корхонаси 15% қувватда, «Оҳангаронстройпласт» ХЖ 10% қувватда ишламоқда);
- айрим корхоналарнинг хом-ашё базаси билан таъминланмаганлиги (Хоразм шакар заводи, «Фарғона фуран бирикмалари заводи», Фарғона кимёвий толалар заводи);
- қурилган меҳмонхоналарнинг бор йўғи 30-35 фоиз юкламада ишлаётганлиги («Шодлик», «Шератон» меҳмонхоналари).

Ш.Абдуллаевнинг (Абдуллаева, 2000) хулосасига кўра, тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасининг паст эканлиги, банкларнинг кредит портфелида марказлашган кредитлар салмоғининг юқори эканлиги кредит риси даражасини юқори бўлишига сабаб бўлмоқда.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотни амалга оширишда индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш ҳамда таркибий, қиёсий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди.

Шунингдек, кредит рискин баҳолаш ва бошқаришга бағишланган эмпирик тадқиқотларнинг натижаларидан фойдаланилди.

Тадқиқотни амалга оширишда мамлакат ва хориж банкларининг статистик ва амалий маълумотларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари

фаолиятидаги кредит рискин баҳолаш бўйича сўнгги янгилик бўлиб, Базель қўмитасининг экспертлари томонидан ишлаб чиқилган “стандартлашган ёндашув” ҳисобланади.

Мазкур ёндашувга кўра, кредит рискининг даражаси кредит олувчининг кредит рейтингининг даражасига қараб аниқланади (1-жадвал).

1-жадвал


Кредит рискин баҳолаш бўйича стандартлашган ёндашув¹

Рейтинг	Риска тортиш коэффицентлари (%)			
	Давлат ва Марказий банклар	Кредит ташкилотлари (1-вариант)	Кредит ташкилот (1-вариант) (қисқа муддатли талаблар)	Юридик шахс
AAA дан A гача	0	20	20 (20)	20
A+ дан A – гача	20	50	50 (20)	50
BBB + дан BBB – гача	50	100	50 (20)	100
BB + дан BB – гача	100	100	100 (50)	100
B + дан B – гача	100	100	100 (50)	150
B – паст	150	150	150 (150)	150
Рейтингсиз	100	100	50 (20)	100

1-жадвалда келтирилган маълумотлар “стандартлашган ёндашув”нинг мазмунини аниқ кўрсатади. Яъни ушбу ёндашувда кредит рискининг даражаси кредит олувчининг кредит рейтингига қараб белгиланади. Масалан, кредит рейтинги AAA дан AA гача бўлган компанияларга берилган кредитларнинг риск даражаси 20 фоизга тенг; кредит

рейтинги B – дан паст бўлган компанияларга берилган кредитларнинг риск даражаси 150 фоизга тенг.

Тижорат банкларининг фаолиятидаги кредит рискининг даражасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири – бу кредитлар бўйича захира ажратмаларининг даражасидир.



1-расм. «Deutsche Bank» (Германия)² ва «Bank of America» (АҚШ) банкида³ кредитлар бўйича захира ажратмалари даражаси, %


¹ Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital measurement and capital standards. Basel-II, 2006. <http://www.bis.org/publications>.

² Расм Annual Reports. Concolidated Balance Sheet. Consolidated Statement of Income. www.db.com («Deutsche Bank») маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

³ Расм Annual Reports. Concolidated Balance Sheet. www.bankofamerica.com («Bank of America») маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

1-расм маълумотларидан кўринадик, 2018-2022 йилларда Deutsche Bank ва Bank of America банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан (1,0 %) анча паст бўлган. Бу эса, кредит рискинни бошқариш

амалиётини такомиллашганлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикасининг йирик тижорат банкларида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан юқоридир (2-расм).



2-расм. АТ «Асакабанк»⁴ ва АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»⁵ банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси, %

2-расм маълумотларидан кўринадик, 2019-2022 йилларда АТ «Асакабанк» ва «Ўзсаноатқурилишбанк»да кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси мазкур кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан анча юқори бўлган. Бу эса, кредит рискинни бошқариш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Тижорат банклари фаолиятидаги кредит

рискининг даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлар бўлиб, муаммоли кредитларнинг миқдори ва муаммоли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи кўрсаткичлари ҳисобланади.

Муаммоли кредитлар миқдорининг кўпайиши ва уларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғининг ошиши тижорат банкларининг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг муаммоли кредитларининг миқдори ва даражаси⁶

Кўрсаткичлар	31.12.2020й.	31.12.2021й.	31.12.2022й.	31.12.2023й.
Муаммоли кредитларнинг миқдори, млрд. сўм	5 785	16 974	13 992	16 621
Муаммоли кредитларнинг брутто кредитларга нисбатан даражаси, %	2,1	5,2	3,6	3,5

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг муаммоли кредитларининг миқдори 2023 йилда 2020 йилга нисбатан юқори суръатда (2,9 баробарга) ўсган. Бунинг устига, муаммоли кредитларнинг брутто кредитларга нисбатан даражаси мазкур даврда юқори

суръатда (1,4 фоизли пунктга) ошган.

Таъкидлаш жоизки, кредит рискининг даражасини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб, кредитларнинг фоиз ставкалари ҳисобланади.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг миллий валютада берилган кредитларининг ўртача фоиз ставкаси, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва инфляциянинг йиллик даражаси⁷, фоизда

⁴ Расм муаллиф томонидан АТ «Асакабанк»нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

⁵ Расм муаллиф томонидан АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

⁶ Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик маълумотлари асосида тузилган.

⁷ Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий статистик маълумотлари асосида тузилган.

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаси	20,5	24,2	22,3	20,8	21,9
Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси	16,0	16,0	14,0	14,0	15,0
Инфляциянинг йиллик даражаси	14,3	15,2	11,1	10,0	12,3

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамиз тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг йиллик фоиз ставкаси 2018-2022 йилларда юқори бўлган, бу эса, мазкур даврда инфляция даражасини ва Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида кредит риси ва уни баҳолаш бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

*кредит риси – бу тижорат банки томонидан берилган кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтмаслиги натижасида зарар кўриш хавфидир;

*тижорат банкларининг фаолиятидаги кредит рисини баҳолаш ва бошқаришда кредит олувчи мижознинг пул оқимини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга;

*хорижлик иқтисодчи олимларнинг тижорат банки раҳбариятининг давлат томонидан қутқариш бўйича бериладиган кафолатга ишониши ўта юқори даражадаги рискларни қабул қилинишига олиб келиши хусусидаги хулосаси Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамиятга эга;

*халқаро банк амалиётида тижорат банклари фаолиятидаги кредит рисини баҳолаш бўйича сўнгги янгилик бўлиб, Базель кўмитасининг экспертлари томонидан ишлаб чиқилган “стандартлашган ёндашув” ҳисобланади ва мазкур ёндашувга кўра, кредит рисининг даражаси кредит олувчининг кредит рейтингининг даражасига қараб аниқланади;

*2018-2022 йилларда Deutsche Bank ва Bank of America банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражасини ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан (1,0 %) анча паст бўлганлиги кредит рисини бошқариш амалиётини такомиллашганлигини кўрсатади;

*2019-2022 йилларда АТ «Асакабанк» ва «Ўзсаноатқурилишбанк»да кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражасини мазкур кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан анча юқори бўлганлиги кредит рисини бошқариш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади;

*республикамиз тижорат банкларининг муаммоли кредитларининг миқдори 2023 йилда 2020 йилга нисбатан юқори суръатда ўсгани ҳолда, муаммоли кредитларнинг брутто кредитларга нисбатан

даражаси мазкур даврда юқори суръатда ошган;

*республикамиз тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг йиллик фоиз ставкасини 2018-2022 йилларда юқори бўлганлиги мазкур даврда инфляция даражасини ва Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг фаолиятидаги кредит рисини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида, биринчидан: кредитларнинг даромадлиги ва кредит риси даражалари ўртасидаги алоқадорликни баҳолаш аниқлигини ошириш мақсадида 1 сўмлик кредитга тўғри келадиган даромад даражаси, кредитлардан олинган фоизли даромадлар билан брутто кредитларнинг ўсиш суръатлари ўртасидаги мутаносиблик кўрсаткичи, кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи билан кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғи ўртасидаги мутаносиблик кўрсаткичи, соф фоизли спрэд кўрсаткичи, фоизсиз харажатларнинг ялпи даромадга нисбати кўрсаткичи ва кредит портфелининг диверсификация даражаси кўрсаткичларидан иборат бўлган кўрсаткичлар мажмуини шакллантириш керак;

иккинчидан: мижозларга бериладиган кредитларнинг чегаравий миқдорини аниқлаш мақсадида бир вақтнинг ўзида молиявий маржа кўрсаткичидан, молиявий мустақиллик кўрсаткичидан ва жорий ликвидлилик кўрсаткичидан фойдаланиш зарур; учинчидан, халқаро рейтинг агентликларининг суверен кредит рейтингига эга бўлган компанияларга хорижий валюталарда берилган кредитлар бўйича кредит рисини баҳолашда “стандартлашган ёндашув”дан фойдаланиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. ПФ-5992 (2020). Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.
2. Бабичева ЮА. Банковское дело. – Москва : Экономика, 2014. – 398 с
3. Митрофанова, К. Б. Понятие кредитного риска и факторы, на него влияющие//Молодой ученый. – 2015. – № 2. – С. 284–288.
4. Mian A., Rao K., Sufi A. Household Balance Sheets,

- Consumption, and the Economic Slump//Quarterly Journal of Economics. – 2013. – 128(4). – pp. 1687 - 1726.
5. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.:Альпина Паблишер, 2017. – С. 485 - 486.
 6. Altman E. I. Financial Ratios, Discriminant Analysis and the Prediction of Corporate Bankruptcy//Journal of Finance, 1968, September. – P. 63–69.
 7. Ибодуллаев Ш.Т. Тижорат банкларининг инвестицион жозибаторлигини таъминлаш йўллари. И.ф.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2023
 8. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2018 – 61 б.
 9. Бауетдинов М.Ж. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. дисс. – Тошкент, 2019. – 114 б.
 10. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларнинг кредит портфелини диверсификациялаш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2000.